

## БАДИЙ ТАРЖИМАДА ЭРТАК ТИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

Хар қандай бадиий асар ҳам бир хил лисоний материалдан ясалади. Лекин шунга қарамай, бадиий адабиётнинг муғавий-услубий воситалари бир хил эмас. Таъбир жоиз бўлса, хар бир адабий жанрда ёки адабий турда барпо этилган асарнинг луғати ўзига хос жиҳатларга эга<sup>1</sup>. Демак, эртак тили ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа насрий асарлардан тубдан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан мутаржим эртак жанрини бошқа бир тилга қайта яратишдан олдин, эртак тилига хос хусусиятларни тўлиғича англай олиши ва шундан кейингина ишга киришиши лозим. Хуш, эртакнинг ўзи нима? У нимаси билан бошқа адабий жанрлардан фарқ қилади. Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева ва С.Иброхимовлар ўзларининг «Адабиётшунослик терминлар луғати»да шундай таъриф беради<sup>2</sup>. Эртак – халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, тўқима вақеаларни тасвирлайди ва баъзан фантастик характерга эга бўлади. Эртак барча халқлар оғзаки ижодида энг қадимги ва кенг тарқалган жанр бўлиб, у халқ ҳаёти, урф-одати, интилиши ва курашини, орзу-армонларини акс эттарида. Эртакларда халқ хилма-хил образларни яратиб ўз кураши, орзу-армонларини ижобий образлар қиёфасида, уларнинг фаолиятида мужассамлаштиради. Халқ эртакларида юмор ва сатира ҳам катта ўрин тутаяди. Халқ яратган ижобий образлар шоҳлар, хонлар, беклар, бойлар ва рухонийлар устидан ғолиб чиқади, уларни шармандаю-шармсор қилади. Ўзбек халқ эртаклари одатда, «Бир бор экан, бир йўқ...» деган традицион сўзлар билан бошланади, эртаклар аксар оптимистик руҳда хотималанди. Сатирик ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамонлари, кўпинча, «Кал» ё «Афанди»дир. Бу қаҳрамонлар фаолиятида ва, хусусан тилида халқ кулгиси, халқ ғзаби ва нафрати, унинг фош этувчи кучи умумлаштирилган. Ўзбек халқ эртаклари, кўпинча, саж (қофияли проза) усулида яратилади.

Эртаклар тематика жиҳатдан қаҳрамонлик эртаги, сатирик эртак, фантастик эртак, ҳайвонот ҳақида эртак каби хилма-хилдир.<sup>3</sup> Демак, эртак ҳам бадиий адабиётда мустақил жанр ҳисобланиб, уни бошқа бир тилда шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиш ўзига хос қийинчиликларни келтириши мумкин.

Таниқли таржимашунос, Ўзбекистон таржима мактабининг асосчи Ғайбуллоҳ Ас-Салом бу тўғрида шундай дейди: «Асарни бошқа тилда қайта яратиш шакл ва мазмун бирлигини сақлаш билан амалга оширилар экан, таржима қилиш умуман ғайри имконий бир уринишдай туюлади, чунки асл нусхасида яратилган асарда тил асосий шаклий либос, лисоний арсенал ҳисобланади. Башарти, таржима соф лингвистик ҳодиса бўлганида, бу,

<sup>1</sup> Ғ.Саломов. «Таржима назарияси асослари. – Тошкент: «Ўльитувчи», 1983, 96-бет.

<sup>2</sup> Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлар луғати. – Тошкент: «Ўльитувчи», 1967, 256-бет.

<sup>3</sup> Ҳ.Ҳомидий ва бошқ. Ўша асар. 256-бет.

эхтимол, ечиб бўлмас бир жумбоққа айланиб қоларди. Аслида эса, мантиқий чигаллик бўлиб кўринган бу муаммони ҳал қилишнинг иложи бор, чунки таржима ижоддир. Зотан, унда шакл ва мазмун алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда қайта тикланади. Таржимон асл нусхага монанд бир тахлитда шакл ва мазмун бирлигини қайта яратмоғи даркор»<sup>1</sup>.

«Ўзбек-олмон» ёки «олмон-ўзбек» адабий алоқалари узоқ давраларга бориб тақалсада, юртимиз Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин янада кучайди. Хусусан, олмон тилини мукамал ўрганишга, тили ўрганилаётган мамлакатларда ўз малакасини оширишга катта имкониятлар яратилди. Шу пайтгача амалга оширилган таржималарнинг аксарияти билвоситадир, яъни ўзбек тилига ҳам, олмон тилига ҳам рус тили орқали таржима қилинар эди. Ҳозирги даврга келиб Янглиш Эгамова, Юлдош Парда, Хуррам Раҳим, Отабой Жуманиёз каби таржимонлар пайдо бўлиши таржимашунослик фанида янги бир соҳага «аслият-таржима» соҳасига асос солитди. Юқоридаги таржимонлардан Хуррам Раҳим ва Отабой Жуманиёзлар нафакат олмон тилидан ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан олмон тилига бадий асар дурдонларини таржима қилишиб, ҳар иккала халқнинг (олмон-ўзбек) маънавий бойишида ва ўзаро яқинлашувида бетақдор хизмат қилмоқдалар. Бу эса таржимашуносликда мутлақ янги саҳифа ҳисобланади. Мисол тариқасида таржимашунос ва таржимон Хуррам Раҳимнинг ўзбек халқ эртақларидан олмон тилига ўгирган таржималарини айтишимиз мумкин. У «Муқбул тошотар», «Олтин балиқ», «Олтин тарвуз» ва «Қоросочхон» эртақларини олмон тилига таржима қилиб, чоп эттирди<sup>2</sup>.

Маълумки, юқорида айтганимиздек, ўзбек халқ эртақлари ўзига хос шаклга эга бўлиб, эртақнинг бошланиши сажъ усулида яратилади, яъни «бир бор экан, бир йўқ экан» шаклида. Аслиятда: «Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир камбағал деҳқон бор экан, унинг атига бир танобгина ери бор экан. Деҳқон шу ерда кечаю кундуз тинмай меҳнат қилиб кун кўрар экан»<sup>3</sup>. Ушбу матндаги «бор экан», «йўқ экан», «бор экан», «бор экан» ва «кўрар экан» сўзлари ўзаро қофиллашиб, сажъ усулини юзага келтирган. Таржимаси: «Es war einmal, vielleicht auch nicht. In alten Zeiten lebte ein armer Bauer. Er hatte nur einen halben Hektar Land. Der Bauer arbeitete auf seinem Land Tag und Nacht und naehrte sich davon»<sup>4</sup>.

Мутаржим ушбу матнни таржима қилиш борасида таржима тилида аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини бизнинг назаримизда, тўлиқ ярата олган. Жумладан, «бир бор экан, бир йўқ экан» ўзбек халқ эртақларига хос бўлган анъанавий сўз бирикмаларини «Es war einmal, vielleicht auch nicht» тарзида таржима қилиб, аслиятнинг муқобил вариантини топа олган. Одатда олмон халқ эртақлари ҳам айнан «Es war einmal» сўз бирикмаси билан бошланади. Таржима тилидаги “vielleicht”, “nicht”, “lebte”, “hatte”, “arbeitete” ва “naehrte” каби сўзлар ўзига хос қофияланиб, аслиятдаги «сажъ»ни

<sup>1</sup> Ё.Саломов. Ўша асар. 97-бет.

<sup>2</sup> Ch. Rachimow. Uzbekische Volksmaerchen. – Taschkent. “Ukituwtschi”. 1990.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Олтин тарвуз. 84-бет.

<sup>4</sup> Uzbekische Volksmaerchen. Die goldene Wassermelone. S. 25.

яратишга имкон берган. Бу эса ўз навбатида мутаржимнинг ютуғидир. Аслиятда: «Дехқон ер ҳайдай бошлабди. Ерни икки марта ҳайдаб бўлиб, яқиндаги катта сойнинг бўйида салқинлаб ўтирса, осмонда учиб кетаётган бир лайлак йиқилиб тушибди»<sup>1</sup>. Таржимаси: “Der Bauer begann sein Land zu pfluegen. Zweimal pfluegte er es. Dann setzte er sich ans Ufer eines Aryks, der unweit von seinem Acker vorbeifloss, und ruhte sich aus. Ploetzlich fiel vor ihm ein Storch auf die Erde nieder”<sup>2</sup>.

Ҳар иккала матнни бир-бирига қиёс қилсак, шакл жиҳатдан бироз фарк килишини пайқаш мумкин. Тўғри, бадий таржимада тушириб қолдириш, қўшиш ҳоллари учрайди. Лекин бу ҳолат меъёрида бўлишликни талаб қилади. Таржимон аслиятга ижодий ёндошиб, «der unweit von seinem Acker vorbeifloss» жумласини киритиш билан мазмун планида маълум ютуққа эришган. Лекин аслиятдаги «сой» сўзини «Aryk» деб берилиши бизнингча нотўғри, чунки «сой» «арик»дан ҳажм жиҳатдан бутунлай фарқ қилади. Таржимада ҳам «сой» реалиясининг ўзи қолиши керак эди. «Салқинламок», «осмон» сўзлари ҳам таржимада ўз аксини топмаган. Бизнинг назаримизда таржимадаги иккинчи гапни “Es zweimal gepfluegt, setzte er sich ans Ufer eines Saies, der unweit von seinem Acker vorbeifloss, und ruhte sich in den Schatten aus” деб, “Ploetzlich fiel ein im Himmel geflogener Storch auf die Erde nieder” тарзида берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таржимон «олтин тарвуз» эртагини катта маҳорат билан, масъулиятни ҳис этган ҳолда олмон тилига таржима қилиб, эртак тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг сирлилигини, яхшилик билан ёмонлик, ҳалоллик билан қаллоблик каби хусусиятларни тўлиғича акс эттира олган. Таржима ҳам худди аслиятдек ўқилади. Бирорта сохталик, сунъийликни ҳис этмаймиз. Мутаржим ўзидан «Und wenn er nicht gestorben ist, so lebt er noch heute» каби жумлаларини киритиши билан ўқувчилар қалбига янада чуқурроқ кириб боради ва «халол, покиза инсонлар тоабат яшайди» деб таъкидлайди. Бу эса таржимоннинг катта маҳоратидан, ижодкорлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. Олтин тарвуз. 84-бет.

<sup>2</sup> Uzbekische Volksmaerchen. Die goldene Wassermelone. S. 25.